

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕК, РУС, ЛОТИН ТИЛЛАРИ, ПСИХОЛОГИЯ ВА
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

**Маъруза №6
МАВЗУ: ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ ВА НАЗАРИЯСИ.**

Тошкент 2008

МАЪРУЗА РЕЖАСИ

1. Тарбия коидалари ва педагогик қонуниятлари
2. Тарбия усуллари.
3. Уз-узини тарбиялаш механизмлари.
4. Тарбиянинг таркибий қисмлари.
5. Қобилият ва иқтидор тушунчаси

Мақсад: Тарбия жараёни, тарбия хусусиятлари, усуллари, тарбиянинг таркибий қисмлари, инсоннинг қобилияти ва иқтидори масаласи, лаёқат турлари ва уни ривожлантириш, иқтидор характеристикаси ҳақида тушунча ҳосил қилиш, уларни ривожлантириш, мустақил фикрлаш малакасини шакллантириш.

Аннотация: Маърузада тарбия жараёни ва назарияси, тарбия хусусиятлари, усуллари, тарбиянинг таркибий қисмлари, инсоннинг қобилияти ва иқтидори масаласи ёритилган.

Тарбия жараёнининг моҳияти

Таълим назарияси таълим олувчиларни фақат билимлар билан куроллантиришга эмас, балки уларни яхши хулқ-атвор эгалари қилиб тарбиялашга ҳам қаратилган. Бироқ тарбия вазифаларини тула маънода фақат уқув жараёнида ҳал этиш мумкин эмас.

Тарбия, таълим бериш билан мустаҳкам алоқада бўлгани ҳолда узиға ҳос қонуниятларға ҳам эгадир. Таълим ва тарбия ягона жараёндир. Лекин улар бир-бирига айнан ухшаш эмас. Таълим ва тарбиянинг бирлиги аввало улар мақсадининг умумийлигидан иборат.

Тарбия ҳаётни билиш, урганиш, унга тайёрланишдек масъулиятли вазифани бажаради. Тарбия бир йиллик ёки ун йиллик жараён эмас. Ёш авлод тарбияси энг муҳим ва долзарб масаладир.

Тарбияшунос олим Абдулла Авлоний узининг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида инсон қамолотида тарбиянинг ролини алоҳида таъкидлаб шундай деганди: “Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарани, оқ ила қорни айирадиган қилиб яратган. Лекин бу инсондаги қобилиятни қамолға етказмок тарбия воситасида бўладир. Агар бола яхши тарбия топиб, бузук хулқлардан сакланиб, гузал хулқларға одатланиб қатта бўлса, ҳар қим қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлиб чиқади. Агар тарбиясиз, ахлоқи бузилиб усса, насихатни қулогига олмайдиган, ҳар хил бузук ишларни қиладиган, нодон, жоҳил бир расвоий олам бўлиб қолади. Тарбия қилувчилар Табиб қабидурқи, Табиб ҳастанинг баданидаги қасалиға даво қилгани қабӣ тарбияни боланинг вуҷудига “яхши хулқ” деган давони ичидан, “поқлик” деган давони устидан бериб, қатта қилмоғи лозимдир. Зероки, амри шарифи узра хулқимизни тузатмокка амр қилинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядир. Ахлоқимиз биносининг гузал ва қиройли бўлишиға тарбиянинг зур таъсири бордир”.

Уқув жараёнини бошқариш нисбатан осон, унинг натижалари дарҳол намоён бўлади ва уларни текшириш мумкин. Тарбия ҳақида буни айтиш мумкин эмас. Боланинг усиши ва тарбияси унинг фаолияти жараёнида амалға оширилади. Ижтимоий-қойдали меҳнат, ижтимоий ишлар, уйин ва уқиш фаолияти, буш вақтдан оқилона қойдаланиш қабилар болаларнинг ҳаётида қатта аҳамиятға эга бўлади. Болаларнинг бундай хилма-хил фаолиятларини тугри ташқил қилиш, уни яхши сифатлар, ҳарактер ҳислатлари, одатлар тарқиб топтиришға қаратиш тарбиянинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Тарбия тарбияланувчининг руҳиятиға, тарбиясига маъқул бўлган сифатларни сингдириш учун мақсадға мувофиқ тарзда мунтазам равишда таъсир этишдир. Тарбия жараёни инсон тугилганидан бошлаб умрининг охиригача олиб қориладиган жараён ҳисобланади. Тарбия давомида тарбияланувчининг қарашлари, ҳаётӣ нуктаи назари аста-секин тарқиб топиб қоради. Тарбия жараёнида қишининг турли қобилиятлари

ривожланади, гоъвий, ахлокий, сиёсий, эстетик хислатлари шаклланади. Унинг дунёкараши ташкил топади, ҳамда жисмоний имкониятлари ривожланади.

Инсонни бошка мавжудотлардан ажратиб турувчи асосий белгиси, унинг тарбияси хисобланади. Унинг кирралари эса бехисобдир. Хар бир инсон уз хаёт йулида канча муваффакиятларга эришган ёки имкониятларни кулдан бой берган булса, бунинг хаммасига, аввало унинг феъл-атвори, олган тарбияси сабабчидир.

Халкимиз азал-азалдан ахлокий фазилатларга бой булган. (“Нур Шаркдан таралади” деган эди Марко Поло). Ота-боболаримиз фарзанд устирар эканлар, уларнинг хулк-атворларига, гап-сузларига, кишилар олдида узларини кандай тутиб, нималар хакида фикрлашиб, уз максадларига кандай эришишларига катта ахамият беришган. Тарбия жараёни Урта Осиё алломаларининг, халк педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Шаркона одоб минг йиллар давомида исломий тарбия коидалари асосида шаклланиб келган. Куръони Карим, хадислар, шарк алломалари ва файласуфларининг асарлари тарбиямиз манбаи булиб хизмат килган. Исломий тарбия мусулмонлар хаётининг барча кирраларини, хатто майда жихатларигача камраб олган. Энг асосийси, исломий одоб фарзандларнинг халол, пок, меҳнаткаш, илмга интилувчи, катталарни, айникса, ота-онани хурмат килиш рухида тарбиялашни шарт килиб куйган. Суфийлик таълимоти хам тарбиявий характерга эга (Шариат, тарикат, маърифат, хакикат). Исломий тарбия инсонни 7 жихатдан тарбиялашни максад килган:

1. Ахлокий тарбия
2. Аклий тарбия
3. Нафосат тарбияси
4. Бадан ёки жисмоний тарбия
5. Меҳнат тарбияси
6. Диний-рухий тарбия
7. Виждоний-нафсоний тарбия

Барча даврларда хам шунчаки билим эгаси булган инсонни эмас, балки хар жихатдан ривожланган, уз имкониятларидан тула фойдаланган холда кобилиятларини намоён кила оладиган инсонни тарбиялаш асосий максад хисобланган.

Тарбия коидалари – педагогик таълим-тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланадиган холат, рахбарлик асосидир. У инсонни шакллантириш вазифалари билан белгиланади. Тарбия жараёнида бу коидаларга риоя килиш унинг самарасини ва натижасини оширади. Тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуллари ва уларга куйиладиган талаблар шу коидаларда уз ифодасини топади.

Тарбия коидалари:

1. Тарбиянинг маълум мақсадга каратилганлиги.
2. Тарбиянинг инсонпарварлик ва демократиклиги
3. Тарбиянинг хаёт ва меҳнат билан богликлиги

4. Тарбияда умуминсоний кадриятларнинг устиворлиги
5. Шахсни жамоада, жамоа оркали тарбиялаш
6. Тарбияда ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш
7. Тарбиявий таъсирларнинг изчиллиги ва мунтазамлиги

Тарбиянинг педагогик қонуниятлари:

1. Бола тарбияси боланинг уз фаоллиги билан амалга оширилади. Унинг ҳаракатлари – имкониятларига мос бўлиши лозим. Ҳар бир тарбиявий вазифа фаол ҳаракатлар оркали бажарилади. Жисмоний ривожланиш – жисмоний ҳаракатлар оркали, ахлокий – инсоний кадриятларга доимий мулжалланиш оркали, ақлий ривожланиш – фикрлаш фаолияти, интеллектуал вазифаларни бажариш оркали амалга ошади.

2. Боланинг фаолият мазмуни уни тарбиялаш жараёнида актуал эҳтиёжлари билан аниқланади. Буларнинг инобатга олинмаслиги қаршилик ва сустликка олиб келиб тарбия жараёни қийинлашиши мумкин.

3. Педагог ва тарбияланувчининг узаро фаолиятидаги пропорционал ҳаракатлари. Бошлангич босқичда педагог фаоллиги бола фаоллигидан кучли бўлади, секин-аста бола фаоллиги кучайиб, якуний босқичда бола педагог назорати остида ҳамма нарсани ўзи бажаради. Бундай фаолият болага ўзини фаолият субъекти сифатида ҳис қилишга ёрдам беради. Бу эса шахснинг эркин ижодий ривожланишида муҳим.

4. Фақат меҳр-муҳаббат ва ҳимоя шароитида бола ўз муносабатларини эркин ва ихтиёрий ифодалайди, яхши ривожланади. Шунинг учун тарбия ўз ичига болага бўлган муҳаббатни намоен қилиш, уни тушуниш, ўнга ёрдам бериш, ҳимоя қилиш ва кичик ҳатоларини ўнатиш каби вазифаларни қиритади.

5. Ҳар бир фаолият муваффақият вазияти билан ўйгунлашиши лозим. Бу боланинг уз фаолияти ва унинг натижасидан ички қониқишидир. Тарбияда ҳар бир бола муваффақият вазиятини ҳис қилиши жуда муҳим.

Тарбия усуллари

Тарбия усуллари – тарбия жараёнида узаро ҳамкорликдаги фаолият ва узаро таъсир қурсатиш усуллари. Тарбия ҳолатда мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ҳаётини ўзида акс эттиради. Унинг усуллари, восита ва омиллари асрлар давомида шаклланиб аъёанага айланади. Тарбияда ҳар бир ҳалқнинг уз ўдуми, усуллари ва тарбия воситалари шаклланган ва тажрибада синалган бўлади.

1. Суз оркали ифодалаш усули (маслаҳат, насиҳат, суҳбат)
2. Қурғазмали усул (санъат, аудио-видео материаллар оркали)
3. Амалий намунавий усул (амалий меҳнат, ўрнатқ бўлиш, намуна қурсатиш, мисол келтириш)
4. Рағбатлантириш ва жазо усуллари (миннатдорчилиқ, мактов, фахрий ёрлик, совға)
5. Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари.

Жазо – бу боланинг нотўғри қилган ишига ўзини иқроқ қилдириш.

1. Тушунтириш
2. Танбех бериш

3. Огохлантириш

4. Уялтириш каби турлари мавжуд

Тарбия жараёни уз-узини тарбиялаш билан мустахкам боғланган. Уз-узини тарбиялаш кишининг уз шахсидаги камчиликларини бартараф этишга, уз шахсини узгартиришга қаратилган фаолиятдир. Уз-узини тарбиялашнинг муваффақиятли булиши учун таълим олувчи узини тугри баҳолай билишга урганиши, ҳаётда узи интилиши лозим булган идеални аниқ тушунган ҳолда узидаги ижобий сифатларни ва камчиликларни кура олиши муҳим аҳамиятга эга. Уз-узини тарбиялаш механизмлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Уз-узи билан мулоқот урнатиш. Узини аниқ тарбия объекти сифатида идрок этиш ва узи билан мулоқотни ташкил эта олиш.
- 2) Уз-узига таъсир курсатиш. Хар хил шошилиш вазиятларда узини кулга олиш ва узини тугри йулга чорлай олиш.
- 3) Уз-узини ишонтириш.
- 4) Уз кучи ва иродасига ишониш.
- 5) Уз-узига буйруқ бериш.
- 6) Ички интизом. Бу механизм уз-узини бошқаришнинг муҳим мезони булиб, хар доим хар вақтда хусусиятларини мунтазам равишда тузатиш ва бошқариш учун зарур сифат ҳисобланади. Юқоридагиларни амалга оширишда ички диалог муҳим аҳамиятга эга.

Тарбиянинг таркибий қисмлари

1. Ахлокий тарбия. Одоб-ахлоқ сифатлари, ҳулқ-атвор хусусиятларини, инсоний эътиқод, муносабатлар ва фазилатларни ривожлантириш
2. Ақлий тарбия. Илмий дунёқараш, ақлий билиш фаолияти ва тафаккур қобилиятларини ривожлантириш.
3. Эстетик тарбия. Табиат ва жамиятдаги гузалликларни идеал нуқтаи-назардан идрок этишга ургатади. Эстетик дид, ҳис-туйғу ва маданият ривожлантирилади.
4. Жисмоний тарбия. Инсон организмнинг соғлом усиши, саломатлигини, куч-қувватини таъминлаш баробарида уни ақлий ва жисмоний меҳнатга тайёрлаш.
5. Иқтисодий тарбия. Ишбилармонлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик, тежамкорлик каби сифатларни шакллантиради
6. Меҳнат тарбияси. Ҳаёт манбаи ва мазмуни, яшаш воситаси, инсон ривожланишининг муҳим омили ҳисобланган меҳнат қилиш ва унинг натижасидан қониқиш ҳисларини тарбиялаш
7. Ҳуқуқий тарбия. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, давлат қонунлари ва конституциянинг мазмун-моҳиятини англашни шакллантириш.
8. Экологик тарбия. Инсон ва табиат муаммолари, атроф-муҳит ва табиат бойликларига булган муносабат, табиат муҳофазаси бўйича тарбиялаш.
9. Оилавий тарбия. Оиланинг мақсад-вазифалари, оилавий муносабатлар, оила аъзоларининг бурч ва масъулиятлари, оила муаммолари ва уларни самарали ҳал этиш вазифалари ургатилади

Қобилият ва иқтидор тушунчаси

Талабаларнинг ўқув–меҳнат ижодий фаолиятининг ўзига хослигини тушуниш учун биринчи навбатда қобилият ва иқтидор масаласига эътибор бериш керак. Чунки қобилиятли инсондан аввало жамият манфаатдор, қолаверса ўша инсоннинг ўзи ҳам ўз хатти–ҳаракатининг фаолиятдан фойда кўради. Қобилиятлар муаммоси энг аввал инсоннинг ақл заковати ундаги малака, кўникма ва билимларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Бирор бир касбнинг эгаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишини кафолатлайди.

Қобилиятлар ва иқтидорда бевосита ирсият, ташқи муҳит, ундаги инсоний муносабатлар, ҳаёт тарзи таъсир кўрсатади. Ҳозирги ёшлар учун компьютер техникасидан тортиб техниканинг барча турини, жаҳон тилларидан бир нечасини билиш муаммо бўлмай қолди. Минглаб топшириқлардан иборат тест саволларини ўзлаштириб ечишда ҳам қийинчилик туғилмайди. Айниқса, оила муҳити боланинг ривожланишига катта таъсир кўрсатиши маълум. Агар у илк болалигидан маърифий муўитда тарбияланса, унинг дунёқараши кенг, хоҳлаган соҳа ва предметларни, материалларни жуда тез ва қийинчиликсиз ўзлаштира олади. Хатто уларга айрим предметлар мазмуни, тушунчалари ўта осон, тушунарли туюлади. Улар янада мураккаброқ муаммо ва масалаларни ечишга интилишади. Бундай индивидуал сифатлар лаёқат дейилади ва унинг икки хили фарқланади.

Лаёқат турлари

1. Табиий лаёқат

Туғма хусусиятлар бўлиб, олий нерв фаолияти хусусиятлари, мия ярим шарлари фаолияти билан боғлиқ биологик, физиологик сифатлар тушунилади.

2. Ижтимоий лаёқат

Ижтимоий лаёқат бола туғилгандан кейин уни ўраб турган муҳит, мулоқот асосида, қобилиятларни ривожлантириши учун зарур шарт–шароитлар яратилганда ривожланади.

Булар асосан ота-она томонидан яратилади. Табиий лаёқатни ривожлантириш учун ижтимоий лаёқат муҳити бўлмаслиги мумкин. Агар болада билим, малака ва кўникмаларни ўстириш учун ҳаракат қилинмаса энг кучли лаёқат ҳам лаёқатлигича қолиб кетаверади, у қобилиятга айланмайди. Энг талантили, машҳур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришган муваффақиятлари асосида ижтимоий лаёқат ва асосан тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётади (Қобилият бу 1% лаёқат, 99% меҳнатдан иборат). Шунинг унутмаслик керак-ки, қобилиятсиз инсон бўлмайди. Агар инсон адашиб ўзидаги ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай бирор бир йўналишни танлаган бўлса, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобилиятсиз бўлиб кўринади, лекин аслида у ўз вақтида қандай қобилиятлари борлигини сеза олмагани, ўрганмагани сабабли қобилиятсизлар тоифасига кириб қолган. Ҳар бир онгли инсоннинг қобилияти, зеҳни болалигидан эътиборга олиниб ўзи хоҳлаган фаолиятда шуғулланиш ва ундан қониқиш имкониятини яратиш шарт.

Иқтидорли одам гениал ёки талантли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзлари шуғулланадиган ишни сидқидилдан бажарса, баъзан ўзи истеъдодли, лекин камҳаракат, дангаса кишилардан кўра кўпроқ фойда келтирадилар. Иқтидорли кишиларда истеъдод соҳиби бўлиш имконияти бор. У тинимсиз меҳнат, ўз қобилиятини ривожлантириш йўлида барча қийинчиликларни енгиши ва ҳаракат қилиши зарур.

Иқтидорли ёшларнинг тавсифномаси қуйидагича:

1. Касбий зукколик даражаси
2. Илмий изланувчанлик
3. Чет тилларни эгаллаган бўлиши
4. Жисмонан соғлом бўлиши
5. Замонавий технологиялардан хабардор бўлиши
6. Мустақил билим олиш қобилияти
7. Ижодий фаолият билан шуғулланиши
8. Интеллектуал сифатларга эга бўлиши

Олимпиада, мусобақалар – иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларнинг ижодий фаолиятини мақсадга мувофиқ шакллантиришнинг энг маъқул усули ҳисобланади. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш:

1. Талабаларнинг имкониятлари, майл ва қобилиятларини аниқлаш мақсадида касбий йўналиш бўйича психологик ва диагностик тестдан ўтказиш.
2. Тест натижаларига асосланган ҳолда талабаларни қизиқувчанлиги ва қобилиятига қараб мос гуруҳларга ажратиш.
3. Иқтидорли талабаларни имконият даражасини ҳисобга олган ҳолда шахсий режа асосида мустақил ва ижодий фаолликка жалб қилиш.
4. Истеъдодли талабалар учун айрим фанлар бўйича экстерн усулидан фойдаланишни йўлга қўйиш керак. Тежалган дарс соатлари ҳисобидан уларга қўшимча ўқув курслари ташкил қилиш зарур (масалан: чет тили, компьютер, менежмент кабилар)
5. Иқтидорли ёшларни ва уларнинг илмий раҳбарларини моддий рағбатлантириш масалалари кўриб чиқиши керак.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва ривожлантириш бўйича ҳозирги кундаги вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Талаб даражасидаги психологик ва диагностик тестларни яратиш;
2. Қобилият ва иқтидорни олдиндан аниқлайдиган махсус гуруҳ ёки кичик марказ ташкил қилиш;
3. Ривожланган мамлакатлар таълим ва ҳунар соҳаларидаги тажрибаларни ўрганиш ва малака алмашиш учун иқтидорли ёшларни чет элларга юбориш
4. Иқтидорли ёшларга фаол ижод этиши, меъёрда яшашлари учун иқтисодий шарт-шароит яратиш
5. Интернет ва бошқа замонавий технология воситалари асосида барча соҳа янгиликларидан хабардор бўлиш имкониятини яратиш

Иқтидорли ёшларни аниқлаш мезонлари:

1. Ақли
2. Фаҳм-фаросати
3. Мантиқий фикрлаши
4. Ижод қила олиши
5. Маънавий савияси
6. Рухий ҳолати
7. Меҳнатсеварлик туйғуси
8. Инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуси
9. Жисмоний баркамоллик

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1997.
2. Мунавваров А. К. Педагогика. Т.1996.
3. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т. 1994.
4. Нишоналиев У., Турсунов И. Педагогика курси. Т. 1996.
5. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т. 1996.
6. Ғайбуллаев Н.Р. ва бошқалар. Педагогика. Университетлар учун дастур. Т. 1996.
7. Ғозиев Э. Педагогик психология асослари. Т. 1997.
8. Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Тошмуродова К. Педагогика. Т. 2000.